

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” хужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 811.512.133`373.23`42

АЛЛЮЗИВ АНТРОПОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

АЛЛЮЗИВНЫЕ АНТРОПОНИМЫ И ИХ УПОТРЕБЛЕНИЕ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ

ALLUSIVE ANTHRONYMS AND THEIR LITERARY USE

М.Мамажонов

Аннотация

Мақолада аллюзия усули ва унинг бадиий матнда қўлланилишида антропонимларнинг тутган ўрни масаласи ёритилган.

Аннотация

В статье освещены вопросы аллюзивного метода и место антропонимов при его употреблении в художественном тексте

Annotation

This article indicates methods of allusion and the role of anthroponym in its literary use.

Таянч сўз ва иборалар: аллюзия, антропоним, аллюзив бирлик, ишора, факт.

Ключевые слова и выражения: аллюзия, антропоним, аллюзивная единица, намёк, факт.

Keywords and expressions: allusion, anthroponym, allusive unity, indication, fact.

Аллюзия сўзи – асли лотинча бўлиб, ишора, ҳазил маъноларини англатади. Филология фанлари доирасида барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган усул маъносини англатиб, асосан адабиётшунослик соҳаси термини санаб келинади. Моҳиятига кўра шарқ мумтоз шеърлятида кенг қўлланган талмеҳ санъатига ўхшаб кетади. Фарқли томони шундаки, талмеҳда машҳур тарихий ва бадиий фактларга ишора қилинса, аллюзияда бундан ташқари ижодкор ўз замонасидаги сиёсий, маиший ёки бадиий фактларга ҳам ишора қилиши мумкин. Яъни аллюзияда ишора объекти доираси талмеҳ санъатига нисбатан кенгроқ бўлади.

Бадиий матнда энг кўп қўлланадиган аллюзия билан боғлиқ услубий фигуралардан бири – бу, аллюзив антропонимлар, яъни асар бадиийлигини таъминлашда аллюзия кўрсаткичи вазифасида келувчи антропонимлардир.

Тилшунос олима, профессор Д.Худойберганова ўзининг “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” номли китобида “аллюзия” атамасига шундай изоҳ берган: “Муайян тил бирлиги воситасида бирор адабий ёки ижтимоий-тарихий фактга ишора қилишдан иборат услубий фигура. Лингвокультурологияда аллюзия икки

маданий-семиотик майдоннинг ўзаро муносабати нуқтаи назаридан ўрганилади”[1,20]. Эътиборли томони шундаки, мазкур луғатда “аллюзия денотати”, “аллюзия кўрсаткичи”, “аллюзия манбаси”, “аллюзив антропоним”, “аллюзив топоним”, “аллюзив зооним”, “аллюзив космоним”, “аллюзив матн”, “аллюзив ном” каби аллюзия ҳодисаси билан боғлиқ бир неча бошқа атамаларга ҳам изоҳ берилган. Бундан кўринадики, аллюзия фақат адабиётшуносликка эмас, балки тилшуносликка ҳам оид бўлган термин саналади. Айниқса, тилшуносликнинг янги йўналиши бўлган лингвокультурология соҳасида аллюзив бирликлар муҳим объектлардан бири ҳисобланади.

Адабиётшунос олимлар Д.Қурононов, З.Мамажонов, М.Шералиеваларнинг “Адабиётшунослик луғати” китобида аллюзия (лот. allusio – ишора, ҳазил) барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул [2,26-27], дея таърифланади. Луғатда аллюзияга мисол тариқасида шоир Фахриёр ижодидан қуйидаги шеъринг парча келтирилади.

Дарвоқе орзу.

Орзу милтиқ эмас.

Шеърнинг интиҳосида

Отилмайди, –

Манбада шеъринг парча мазмунида келтирилган Чеховнинг “Саҳнада

М.Мамажонов – ФарДУ тилшунослик кафедраси ўқитувчиси.

милтиқ осиглиқ бўлса, у, албатта, отилиши керак”, деган машхур иборасига ишора” қилинганлиги аллюзия усули дея баҳоланади.

Демак, аллюзив антропонимлар тилшунослик ҳамда адабиётшунослик фанлари кесимида илмий термин сифатида қўлланилади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан аллюзив антропонимларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) аллюзив сўз, 2) аллюзив бирикма, 3) аллюзив гап.

Аллюзив сўз биргина лексик birlik билан ифодаланиб, кўпинча машхур тарихий шахслар, машхур асарлар қаҳрамонлари номи билан ифодаланади. Масалан, Афлотун, Искандар, Машраб, Мажнун, Фарҳод каби.

Аллюзив антропонимлар машхур шахсларнинг исмини билдириш билан бирга уларнинг шуҳрат қозонишига сабаб бўлган предметлар номи билан ассоциатив муносабат ҳосил қилади. Бундай ҳолатда аллюзив антропонимларнинг бирикмали тури ҳосил бўлади. Масалан, Искандар девори, Сулаймоннинг узуги, Оловиддиннинг шамчироғи каби.

Баъзан аллюзия билан боғлиқ тушунчалар нутқда гап ҳолида шаклланади ва аллюзив гапларни ҳосил қилади. Бу эса, энг кўп ҳолларда, антропонимлар иштирокида содир бўлади. Масалан, Сулаймон ўлиб, девлар қутулди. Искандарнинг шоҳи бор каби.

Баъзан эса вақт ўтиши билан гапларнинг бирикма ҳолида қўлланилиши кузатилади. Масалан, “Даққиюнусдан қолган бирикмаси гап мазмунига тенг бўлса-да (яъни Юнус даврида зарб қилинган (танга пулга нисбатан) маъносида), ҳозирда сифатдош характериға ўтиб, даққиюнусдан қолган матоҳ” каби бирикма ҳолатида ишлатилади.

Бадий матнда энг кўп қўлланидиган аллюзия билан боғлиқ услубий фигуралардан бири – бу, аллюзив антропонимлардир. “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати”да бу атамага шундай изоҳ берилган: “Аллюзия матнда аллюзив

кўрсаткичи вазифасида келувчи антропоним, аллюзив номнинг бир тури. Масалан: “Эрмак экан энди Лайлолар, Мажнун ғариб қолган саҳролар. Эрмак экан Тоҳир-Зухролар, Бевафо кўп экан дунёда” (М.Юсуф)[3, 19].

Халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов шеърларининг оддий ишчи-деҳқондан тортиб, олиму фозилларгача бирдай севиб мутолаа қилинишининг энг муҳим омилларидан бири уларда чуқур тарихий ва сиёсий билимларни тушунарли, халқона усулларда баён этилишидандир. Хусусан, Эркин Воҳидов ўз асарларида аллюзив антропонимларга алоҳида эътибор қаратади.

26 та байтдан таркиб топган машхур “Ўзбегим” қасидасининг 10 байтида йигирмата аллюзив антропоним қўлланилган. Қасиданинг учинчи байтида аллюзив антропонимлар келтирилади:

Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фароб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим[4, 333].

Қасиданинг кейинги байтларида Чингизхон, Боту, Муқанна каби саркардалар; Мирзо Улуғбек, Фирдавсий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Машраб, Фурқат, Муқимий, Нодира, Пушкин, Байрон каби олим-у шоирлар номларига бирма-бир мурожаат қилинади. Бундай машхур номларни ўқиган китобхон хаёлида икки маданий-семиотик майдоннинг ўзаро муносабати – уйғунлиги шаклланади.

Бадий матни бу нуқтаи назардан таҳлил этиш тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг ўзига хос қирраларини кашф этишда яқиндан ёрдам беради.

Умуман олганда, аллюзив антропонимлар тилда матн бирикуви, нутқ изчиллиги ва мазмундорлигини таъминлаш, ўхшатиш ва қиёслашлар орқали матнда ифодалиликни оширишда катта ўрин тутади.

Адабиётлар:

1. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015 й.
2. Қурононов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnash, 2013 й.
3. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015 й.
4. Воҳидов Э. Муҳаббат. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 й.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор.)